

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

ҚУВОНДИҚОВ ВАҲОБЖОН ОРТИҚОВИЧ

**ТАБИИЙ ВА СУНЪИЙ ФОТОСИНТЕЗЛОВЧИ СУПРАМОЛЕКУЛЯР
ТИЗИМЛАРИДА ЗАРЯДЛАР ТАШИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ
ФЛУОРЕСЦЕНТ НАЗОРАТИ**

01.04.05 – Оптика

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on physical-mathematical sciences**

Кувондиқов Ваҳобжон Ортиқович

Табиий ва сунъий фотосинтезловчи супрамолекуляр тизимларида
зарядлар ташилиш жараёнининг флуоресцент назорати.....3

Кувондиков Вахобжон Ортикович

Флуоресцентный контроль процессов переноса зарядов
в супрамолекулярных системах природного
и искусственного фотосинтеза.....21

Kuvondikov Vakhobjon Ortikovich

Fluorescent monitoring of charge transfer processes in supramolecular
systems of natural and artificial photosynthesis39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

ҚУВОНДИҚОВ ВАҲОБЖОН ОРТИҚОВИЧ

ТАБИИЙ ВА СУНЪИЙ ФОТОСИНТЕЗЛОВЧИ СУПРАМОЛЕКУЛЯР
ТИЗИМЛАРИДА ЗАРЯДЛАР ТАШИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ
ФЛУОРЕСЦЕНТ НАЗОРАТИ

01.04.05 – Оптика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/FM67 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.iplt.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Нематов Шерзод Қаландарович**
физика-математика фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Юсупов Джавдат Бакиджанович**
физика-математика фанлари доктори

Трунилина Ольга Викторовна
физика-математика фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация химояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.05.2018.FM/Т.65.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (+99871) 262-32-54, e-mail:info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел: (+99871) 262-31-69.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни таркатилди.

(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Х.Б.Ашуров
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., катта илмий ходим

Д.Т.Усманов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, ф.-м.ф.н.

Б.Е.Умирзаков
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш муҳим иқтисодий ва экологик вазифа сифатида қаралмоқда. Унинг истиқболли йўналишларидан бири бу зарядларнинг фотоиндуцирланган ташилиши асосида ишлайдиган янги авлод юқори самарадорликли органик фотовольтаик қурилмаларни яратиш ҳисобланади. Бу жараён фотосинтезловчи тизимлар ва кимёвий реакциялар фотокатализаторлари ишлаш принципининг асоси ҳисобланади. Шу жумладан органик фотовольтаик қурилмаларнинг асосини ташкил қилувчи органик моддалар ва углерод нанозарраларининг оптик ҳамда электрон хусусиятларини тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг бирикмасидан ҳосил бўлган элементларда зарядлар ташилишининг юқори самарадорлигига эришиш муқобил энергетиканинг асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунёнинг нуфузли илмий марказларида зарядларнинг фотоиндуцирланган бўлиниши ва кейинги босқичга узатилиши учун қулай физик шароит бўла оладиган органик молекулалар ҳамда углерод нанозарраларидан ҳосил бўлган супрамолекуляр бирикмалар физикасини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунга асос бўлган сабаб бир томондан қуёш нурининг кенг спектрал соҳада интенсив ютилиши ва органик молекулаларнинг яққол донорлик хусусияти бўлса, бошқа томондан углерод нанозаррачалари электронлар учун кучли акцептор бўлишидир. «Органик молекула – углерод нанозарраси» бирикмаларида зарядларнинг фотоиндуцирланган ажралишида 100% га яқин самарадорликка эришиш, шунингдек бу каби бирикмаларга иккиламчи донор ёки акцептор молекуласини «боғлаш» ҳисобига ажралган зарядларнинг яшаш вақтини бир неча баробарга ошириш бу соҳанинг долзарб муаммоларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда физиканинг ушбу йўналишда долзарб муаммоларидан бирига айланган органик супрамолекуляр бирикмаларга асосланган янги авлод қуёш элементларини яратиш борасида жадал илмий тадқиқот ва инновацион ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, табиий ва сунъий фотосинтезловчи супрамолекуляр тизимларда зарядларнинг фотоиндуцирланган ажралиш жараёнлари самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятларни рағбатлантириш, илмий-инновацион ютуқларни амалиётга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш вазифалари кўрсатиб ўтилган. Шунга кўра келажақда яратилиши кутилаётган юқори самарадорликли, арзон ва рақобатбардош органик фотовольтаик қурилмаларнинг асосини ташкил қилувчи табиий ва сунъий супрамолекуляр тизимларидаги зарядларнинг фотоиндуцирланган ажралиш жараёнларининг физик – кимёвий ва электрон характеристикаларини ўрганиш бу соҳадаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг: Ш. «Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозлиги ривожланиши» ва II. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли хорижий илмий марказлар томонидан фотосинтезловчи тизимларнинг ёруғлик майдонидаги флуоресцент хоссаларини ўрганишга бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар бажарилган. Турли “органик молекула – углерод нанозарраси” супрамолекуляр бирикмаларининг физик–кимёвий ва электрон характеристикалари таҳлили шуни кўрсатдики, бундай тизимлар асосида кўёш энергияси ўзгартиргичларини яратиш улкан истиқболга эгадир. Ушбу йўналишда хорижлик олимлар Ж.Норрис, Х. Имахори, Д.Гаст, Й.Лейпнер изланишлар олиб боришган. Россиялик олимлар А.В.Рубин, А.Миронов ҳамда мамлакатимиз олимларидан Э.А.Захидов, Ш.Қ.Нематов ва бошқалар бу соҳада муҳим аҳамиятли натижаларни кўлга киритган.

Ҳозирги кунда бу каби супрамолекуляр бирикмаларда зарядларнинг ташилиш жараёни физик механизмларини тушунтиришнинг юқори даражасига эришилди ва улардаги зарядлар ташилиши самарадорлиги ҳамда флуоресцент параметрлар орасида тўғридан – тўғри ўзаро боғлиқлик борлиги тадқиқотларда кўрсатиб берилган. Лазер спектроскопияси ва микроэлектрониканинг замонавий усуллариининг кенг қўлланилиши бу каби фотосинтезловчи тизимларда фотоиндуцирланган ажралиш ва зарядлар узатилиши жараёнларининг бир қатор физик–кимёвий характеристикаларини юқори аниқликда тавсифлаш имконини берган.

Ушбу диссертация иши бошланишидан олдин бу каби тизимларда энергия алмашилиш ва алмаштирилган энергияни барқарорлаштириш учун оптимал шароитларни таъминловчи, оптик, электрон ва энергетик жиҳатдан тавсифловчи асосий талаблар тўғрисида тизимли маълумотлар мавжуд эмас эди. Бу каби тизимларни ташкил этувчи материаллар орасида кучли электрон боғланиш ва мос ҳолда электронларни тезкор узатилишини таъминлайдиган физик жараёнлар ва тадқиқот шартларини аниқлаб олиш ўта муҳимдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг ОТ-Ф2-05 «Сунъий фотосинтез тизимларида ёруғлик уйғонишлари ва зарядларнинг кўчиш жараёнлари» (2017–2020), Ф2-ФА-Ф147 «Фотосинтезнинг бирламчи

жараёнларида қуёш энергиясини юқори самарали ўзлаштирилишининг физикавий механизмларини ўрганиш» ва ФА-А4-Ф047 «Қишлоқ хўжалиги экинларида фотосинтез самарадорлигини мониторинглаш учун флуоресцент услублари ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқиш» (2015–2017) лойиҳалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва экспериментал биология институти билан ҳамкорликда CRDF №3377 «Трансгеномиканинг замонавий инструментларини қўллаган ҳолда пахтанинг сувсизликка ва тузга чидамлилигини ошириш» (2011-2012) ҳалқаро лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тақиқотнинг мақсади табиий ва сунъий фотосинтезловчи супрамолекуляр тизимларида зарядларнинг фотоиндуцирланган ташилиш жараёнларининг физик параметрларини флуоресценция маълумотлари асосида аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

табиий ва сунъий фотосинтезловчи супрамолекуляр тизимларда энергия сарфланишининг энергетик баланси ва ўзаро рақобатлашувчи йўллари ҳамда зарядларнинг фотохимёвий ажаралиш самарадорлигини уларнинг флуоресценцияси интенсивлиги ва иссиқлик диссипацияси тезлигига қараб таҳлил қилиш;

ютилган ёруғлик энергияси диссипациясини альтернатив йўли сифатидаги фотосинтезловчи тизимларнинг фотоакустик жавоби параметрларини ўлчаш учун юқори сезгирликка эга метод ва тадқиқот қурилмасини ишлаб чиқиш;

қуёш фотосинтетик фаол радиациясини (350–750 нм) порфирин (Por) C60 билан супрамолекуляр бирикмалари: «Por-C60» диад ва каротиноид (Car) иштирокидаги «Car-Por-C60» триаднинг зарядларини ажралиш энергиясига қайта ўзгартирилиши, энергетик ва квант самарадорлигини уларнинг ютилиш спектрига қараб ҳисоблаш методларини ишлаб чиқиш;

концентрланган ультрабинафша (325 нм) лазер нурланишининг «Рух оксиди (ZnO) сиртидаги C60 молекуляр қавати» гетероген тизимининг структуравий, тебраниш ва флуоресцент хусусиятларга таъсирини ўрганиш ва бундай структурани фотолюминесценцияси сўниши ва комбинацион сочилиш спектрларига қараб C60-ZnO кучли электрон боғлари шаклланиш имкониятларини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўсимликларнинг интакт барглари, турли фотосинтезловчи мажмуалар ва «Por-C60», «Car-Por-C60» супрамолекуляр бирикмалари ҳамда C60 молекулалари қавати ётқизилган ZnO юпқа плёнкаси қўлланилган.

Тадқиқотнинг предмети табиий ва сунъий фотосинтезловчи тизимлардаги зарядларнинг фотомажбурий ажралиши ва ташилиши жараёнлари ҳамда энергия сарфланишининг унга рақобатлашувчи бошқа жараёнлари – флуоресценция ва иссиқлик диссипацияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда адсорбцион, флуоресцент, фотоакустик ва комбинацион сочилиш спектроскопияси усуллари, Қуёш фотосинтетик фаол радиациясини қайта самарадор алмаштирилишини ҳисоблашнинг энергетик ва квант усуллари, юқори аниқликли электрон микроскопия усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор фотоакустик спектрофотометрда нурланиш манбаи сифатида оптик йўллари бир хил бўлган, учта мустақил тўлқин узунликда ёруғлик нурлатувчи RGB (Red-қизил, Green-яшил, Blue-кўк) – ёруғлик диод қўлланилиб, ўсимлик баргининг кўндаланг кесими бўйича фотосинтез фаоллиги профили аниқланган;

ўсимлик баргларидаги хлорофилл флуоресценциясининг 685/730 нмлардаги интенсив полосалари нисбатини *in vivo* режимда ўлчаган ҳолда, ўсимликдаги фотосинтез самарадорлигини аниқловчи портатив АЭФ-1 флуорометри яратилган;

«Por-C60» ва «Car-Por-C60» супрамолекуляр бирикмаларида қуёш фотосинтетик фаол радиациясини (350–750 нм), зарядларнинг ажралиш энергиясига қайта ўзгартирилишининг энергетик ва квант самарадорлигини уларнинг ютилиш спектрига қараб ҳисобланганда, ушбу бирикмаларда фотосинтетик фаол радиациянинг қайта ўзгартирилиш самарадорлиги 60–80% га тенг бўлиб, ўсимлик баргларидаги табиий фотосинтез самарадорлиги қийматларига мослиги аниқланган;

сирти наноструктурали рельефга эга ZnO юпқа плёнкасини C60 молекуласидан электронларни иккиламчи қабул қилувчи (акцептор) сифатида фойдаланганда, C60 иштирокидаги супрамолекуляр тизимларида ажралган зарядларнинг барқарорлашиши ҳисобига худди табиий фотосинтездаги каби ажралган зарядларнинг яшаш вақтини кескин ошиши аниқланган;

гетероген «наноструктурали рельефга эга ZnO юпқа плёнка сиртидаги C60 молекулалар қатлами» тизимини концентрланган ультрабинафша (325 нм) лазер нури билан узоқ нурлантирилганда, бундай тизимнинг структуравий, тебраниш ва фотолюминесцент хусусиятларида сезиларли ўзгаришлар ҳосил бўлиши, шунинг билан бирга C60 молекуласи ва ZnO сирти ўртасида кучли электрон боғланиш ҳосил бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

табиий фотосинтез оксил-пигмент молекуляр комплекслари ҳамда «Por-C60» ва «Car-Por-C60» супрамолекуляр бирикмаларидаги зарядларнинг ажралиш ва ташилиш жараёнларини характерлаш учун энергия қайта алмаштирилиши жараёнлари самарадорлигини физик шароитлар, ташкил этувчи материаллар ва уларнинг таъсирлашиши характерига боғлиқ равишда баҳолаш имконини берувчи усул ва қурилмалари ишлаб чиқилган;

хлорофилл флуоресценциясининг 685/730нм лардаги интенсив полосалари нисбатини ўлчовчи портатив флуорометр ишлаб чиқилган ва дала шароитида ноинвазив ҳолда ўсимлик баргларидаги фотосинтетик фаолликни аниқлаш мумкинлиги кўрсатилган ҳамда ишлаб чиқилган паст частотли фотоакустик спектрометр ёрдамида ўсимлик баргидаги фотоакустик сигналнинг фототермик ва фотобарик ташкил этувчиларининг хусусиятлари шунингдек фотосинтез тезлигини миқдорий қийматлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги абсорбцион, флуоресцент ҳамда комбинацион сочилиш спектроскопиясининг замонавий, юқори аниқликка эга ҳамда ўта сезгир метод ва қурилмаларидан фойдаланилганлиги

билан асосланган. Иккиламчи уйғонишнинг турли каналлари, улар тезлиги ва тадқиқот шартларига боғлиқлигининг мукамал таҳлили фотоиндуцирланган зарядлар ташилиши жараёнини ҳар томонлама тадқиқ қилиш ва ўрганилаётган объектларнинг муҳим физик характеристикаларини юқори аниқликда аниқлаш имконини берган. Олинган тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш натижасида чиқарилган хулосалар қаралаётган объектлар бўйича назарий тадқиқотларнинг асосий қоидаларига асосланган ва бошқа муаллифлар олган натижаларга мос келган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти табиий ва сунъий фотосинтезловчи тизимларда кечадиган зарядларнинг фотоиндуцирланган ажралиши ва ташилиши жараёнларини назорат қилиш концепциясининг ишлаб чиқилганлиги билан асосланган, бунда рақобатлашувчи жараёнлар асосан, улар флуоресценциясини ўлчаш ҳамда бундай жараёнлар самарадорлигини ушбу объектлар таркибий материаллари ва интерфейслари физик-кимёвий ва электрон характеристикаларига боғлиқлиги орқали ўрганиш имконини яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, таклиф қилинган илмий-техник ечимлар органик фотовольтаик қурилмалар ҳамда табиий ва сунъий фотосинтезловчи тизимлар самарадорлигини флуоресцент мониторингининг самарали усуллари ва қурилма воситаларини яратишда қўллаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фотосинтез жараёнида ўсимлик баргидаги хлорофилл флуоресценциясини ва сунъий фотосинтезловчи системалар учун муҳим элемент сифатида таклиф қилинган «P680-C60» ва «C60-P680» супрамолекуляр бирикмалардаги электронларнинг ташилиш жараёнлари тадқиқотларининг натижалари асосида:

ўсимлик баргларидаги хлорофилл флуоресценциясининг 685/730 нмлардаги интенсификатсияланган полсалари нисбатини ўлчовчи ишлаб чиқилган портатив АЭФ-1 флуорометри дала шароитида ген-модификацияланган пахтанинг (Геномика ва биоинформатика маркази) фотосинтез самарадорлигини ва ташқи муҳит стрессларига чидамлилигини тадқиқ қилиш учун қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 18 июндаги 2/1255-1620-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш ген-модификацияланган пахтадаги фотосинтез самарадорлигини ва ташқи муҳит стрессларига чидамлилигини тадқиқ қилиш имконини берган;

наноструктурали релеефга эга ZnO юпка плёнкасини C60 молекуласидан электронларни иккиламчи акцептор сифатида фойдаланганда улар орасидаги ажралган зарядларнинг яшаш вақти, ташилиш тезлиги ва интенсификатсиясининг ташқи таъсирларга боғлиқлигини ўрганишдан олинган илмий натижалар Ф2-ФА-Ф146 рақамли «Фуллеренлар эритмаларида кластер ҳосил бўлиш, ўз-ўзидан йиғилиш ва ўз-ўзидан ташкилланиш жараёнлари» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 18 июндаги 2/1255-1619-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш фуллерен молекулаларининг абсорбцион-флуоресцент

спектроскопик хоссаларининг муҳим параметрларини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 11 та халқаро ва республика анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилаган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 2 та хорижий монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрлардаги 8 та мақолада нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, 44 та расм ва 5 та жадвалдан иборат. Диссертациянинг ҳажми 132 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти, предмети ва усуллари аниқланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги кўрсатилган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, улардан амалда фойдаланилганлиги, чоп этилганлиги ва апробацияси ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қуёш энергиясининг супрамолекуляр фотосинтезловчи тизимларда ўзгартирилиш жараёнлари: флуоресценция – зарядларнинг фотохимёвий ажралиш муқобили сифатида»** деб номланган биринчи бобида қуёш нурланишини юқори қийматли самарадорлик билан ўзгартирилишини таъминловчи фотосинтезловчи тизимларнинг структуравий-функционал ва оптик хоссалари, ҳамда ўсимлик баргларида энергияжамланиш ва кислород ажралиши жараёнларини миқдорий тавсифлай оладиган фотоакустик (ФА) спектроскопия имкониятлари кўриб чиқилди. Табиий ва сунъий фотосинтез супрамолекуляр (СМ) тизимларида зарядлар ажралиши, улардаги ёруғлик уйғонишлари диссипациясининг турли механизмлари, шунингдек бир томондан бундай тизимлардаги флуоресцент ва ФА характеристикалари орасидаги ўзаро боғлиқлик, бошқа томондан эса зарядлар ажралиш ва ташилишининг фотохимёвий самарадорлиги бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Сунъий фотосинтез тизимлар ва органик фотовольтаик (ФВ) элементларда «Pog-C60» ва бу каби СМ боғланишларни молекуляр донор-акцептор жуфтлик сифатида кенг истиқболли қўлланилиши кўрсатилган.


Диссертациянинг **«Фотосинтетик жараёнларни фотоакустик спектроскопия ёрдамида тадқиқ қилиш»** деб номланган иккинчи бобида фотосинтезловчи тизимларнинг фотоакустик (ФА) хоссаларини ўрганиш учун ишлаб чиқилган тажриба қурилмаси ва методлари ёзилган, умумий ФА сигналдан фототермик (ФТ) ва фотобарик (ФБ) ташкил этувчиларини ажратиш

олиш методлари ишлаб чиқилган, шунингдек ФА сигналнинг ўсимлик барги ёритилаётган ёруғликнинг частота модуляциясига, ёритилиш интенсивлигига, температурасига ва сув билан таъминланганлик даражасига боғлиқлик тадқиқот натижалари ифодаланган.


Ўсимлик барги модуляцияланган ёруғликни ютганда, унда иссиқлик тўлқинлари ҳосил бўлади, яқин атрофидаги ҳаво термоэластик эффект ҳисобидан мос ҳолдаги частотада оддий микрофон ёрдамида қайд қилиш мумкин бўлган товуш тўлқини – ФА тўлқинларнинг ФТ компонентасини ҳосил қилади. Ўсимлик барги даврий модуляцияланган ёруғлик билан ёритилганда айнан шу частотада кислород ажралиши, ФА тўлқинларнинг ФБ компонентасини ҳосил қилувчи бошқа механизмни юзага келтиради.

Ўсимлик баргида ҳосил бўлувчи ФА сигналларнинг хоссаларини ўрганиш учун схемаси 1-расмда кўрсатилган ФА қурилма ишлаб чиқилди. (1 – пастчастотали генератор ($6 \div 275$ Гц); 2 – ёруғлик диоди (650 нм); 3 – чўғланма лампа, 4 – конденсор, 5 – тармоқланган оптик нуртола, 6 – ФА камера-резонатор, 7 – кучайтиргич; 8 – синхрон кучайтиргич; 9 – осциллограф; 10 – қайд қилгич).

Ўрганилаётган намунадаги фотосинтетик жараён модуляциясининг қисқа вақтли сўндирилиши чўғланма лампадан ($P=300$ Вт) узлуксиз тўйинтирувчи ёруғлик бериш орқали амалга оширилади. Тўйинтирувчи ёруғликнинг ўчирилиши ва ёқилиши ФА сигналнинг кўрсатиб ўтилган икки компонентаси табиатини ўрганиш имкониятини берувчи ФА сигналнинг частотага боғлиқлигини ўлчашда муҳим инвазив усул ҳисобланади. Тўлиқ кундузги ёритилиш шароитида ўстирилган пахта баргида ўлчанган частота боғлиқлиги 2-расмда кўрсатилган. Расмдан кўриниб турибдики, ёруғликнинг модуляция частотаси ортганда айниқса, 6 дан 150 гц частота оралиғида ортганда, умумий ФА сигнал 2 тартибдан кўпроқ мартага камаяди. Частота ортиши билан ФА сигналнинг камайиши ФБ ва ФТ компоненталарида ҳам ўз аксини топади. Бу биринчи галда фақат энергетик жиҳатдан боғлиқ бўлиб, частотанинг ортиши билан ёритилиш даври камаяди ва иссиқлик тўлқинларини кичик чуқурликка эга соҳалар генерация қилишни бошлайди.



1-расм. Ўсимлик баргининг ФА хоссаларини ўрганиш учун тажриба қурилмаси схемаси



2-расм. Ўсимлик баргидаги ФА сигналнинг тўйинтирувчи ёруғлик ўчирилган (1) ва ёқилган (2) даги частотага боғлиқлик графиги

Ҳисоблашларга биноан, бундай термик-фаол қатлам қалинлиги $f^{1/2}$ боғлиқликка яқин, яъни 32гц да 237 мкм дан 1024 гц да 42 мкм гача камаяди. Иккинчи ҳолатда эса жараён анча мураккаб характерга эга бўлиб, кислород ажралишнинг ўзи маълум давомийликдаги мураккаб кетма-кет биокимёвий реакцияларнинг кечиши билан боғлиқ. Шунингдек, фотосинтетик кислород ажралувчи комплексда молекуляр килород ажралишнинг бутун цикли 10^{-2} с ни ташкил қилади.

Фотосинтетик мембраналарнинг ясси структуралари соддалаштирилган моделидан ФБ (A_{OX}) ва ФТ (A_{PT}) компоненталар амплитудаларининг нисбатини қуйидаги формула орқали ёзиш мумкин:

$$A_{OX}/A_{PT} = a \cdot \exp \left[-\sqrt{\pi} \times (D_{OX}^{-1/2} - D_{TH}^{-1/2}) f^{1/2} \cdot l \right] \quad (1)$$

Бу ерда a – тажриба қурилмаси характеристикаларига боғлиқ коэффицент, D_{OX} ва D_{TH} – намунадаги кислород диффузия ва термик тўлқин коэффиценти, l – фотосинтетик мембрана ва тўқима чегараси оралиғидаги масофа, f – ёруғликнинг модуляция частотаси. Пахта барги учун бизнинг тажрибада олган (2-расм) умумий ФА сигналнинг частотага боғлиқлигидаги кўрсатилган катталикларнинг қийматлари 1-формуладан олинган мос қийматлар билан бир хил бўлиб чиқди. Пахта баргидаги ФА сигнал ФТ ва ФБ компоненталарининг температурага боғлиқлиги тадқиқ қилинганда кўрсатилдики, бундай графиклар орқали фотосинтез фаоллиги учун оптимал шароитни ва унинг юқори температураларда чекланишидаги физик механизмларни намоён қилишини аниқлаш мумкин. Турли ўсимликлар учун бундай параметрларни аниқлаш қишлоқ хўжалиги амалиётида қўлланилганда муҳим амалий аҳамият касб этади.


Хлорофилл флуоресценциясининг максимумлари 685 нм ва 730 нмларда жойлашган икки полосасининг нисбати, олдиндан ўсимлик баргидаги бундай пигментлар таркибини миқдорий таҳлил қилиш учун ишлатилган бўлиб, адабиётлардан олинган маълумотларнинг тасдиқлашича маълум шартларда фотосинтез фаоллиги билан тўғридан тўғри боғлиқ бўлиши мумкин экан. Шуларни эътиборга олган ҳолда, дала шароитида турли ғўза навларидаги бу нисбатни қайд қилиб юқори самарадорликни кўрсатувчи хусусиятларини қиёсий ўрганиш учун фотосинтез эффективлигини таҳлил қилувчи АЭФ-1 қурилмаси ишлаб чиқилди.

Ўсимлик баргида ёруғлик ютилишининг спектрал боғлиқлиги (спектрал соҳада кўк нур <480 нм ва қизил нур >630 нм кучли ютилади, яшил нур 500 – 550 нм эса нисбатан камроқ ютилади) турли тўлқин узунлиқдаги ёруғлик баргнинг турли қатламли чуқурликларигача кириб боришига ва мос равишда унинг кўндаланг кесими бўйича турли профиллардаги фотосинтетик фаоллигини намоён қилишга хизмат қилади. Ушбу жиҳатни ҳисобга олган ҳолда, учта, қизил (640 нм), яшил (525 нм), ва кўк (465 нм) ёруғликлари ўзаро бир бирига боғлиқ бўлмаган, бир хил оптик йўлларга эга, ёриткичларга эга RGB- ёруғликдиоди асосида яратилган ФА спектрометрини қўллаш ўсимлик барги профилларидаги фотосинтез фаолликларини аниқлаш имконини берди. Ўсимлик баргидаги турли профилларда жойлашган фотосинтезнинг

функционал қисмларига ёруғликнинг самарали кириб бориш чуқурлиги ҳисоблаб топилган қийматлари ва RGB- ёруғликдиоди асосида яратилган ФА спектрометрдан фойдаланиб тажрибада ўлчанган турли частотадаги товуш тўлқинларининг тарқалиш масофаси етарлича аниқликда мос келди.

Диссертациянинг «Супрамолекуляр донор-акцептор бирикмалари – сунъий фотосинтез тизимларининг асосий элементи» деб номланган учинчи бобида қуёш энергиясини ўзгартирувчиларининг фаол элементи сифатида қўлланиладиган «Por-C60» ва «Car-Por-C60» донор-акцептор жуфтликлари энергетикаси тадқиқ этилган.

Ўсимлик баргларидаги фотосинтезнинг бирламчи жараёнларида қуёш нури энергиясини кенг спектрал соҳада ўзлаштириш ва юқори квант самарадорликка эришиш имкониятлари унинг муқобили бўлган сунъий фотосинтез тизимларини яратиш бўйича тадқиқотлар ривожланишига туртки бўлди. Сунъий фотосинтез тизимларида бу каби юқори самарадорликни таъминлаш учун уларнинг асосий элементи, донор-акцепторли жуфтлик сифатида органик молекулалар ва углеродли нанозаррачалардан иборат супрамолекуляр бирикмалар муҳим ўрин эгаллади. Бу каби тизимларнинг муҳим намоёндаси бу «Por-C60» бирикмаси ҳисобланади. Бу бирикмаларнинг муҳим афзалликлари қуйидагилар: (i) бу каби бирикмаларда заряд ажралишининг квант самарадорлиги 100% га яқин бўлиши мумкин; (ii) Por бу π-боғли мукамал тизимли тетрапирол молекула булиб, қуёш нури спектрининг кўринувчи соҳасида интенсив ютилиш полосаларига эгадир ва унинг структурасидаги марказий макроцикл яққол донорлик хоссасини таъминлайди; (iii) 60 углерод атомлари ва уч ўлчамли структурага эга полиэдрик шаклли C60 молекуласи самарали электрон акцептор бўлиши мумкин; унинг ютилиш спектри эса бутун кўзга кўринувчи соҳани қоплайди. Бу каби жуфт молекулага учинчи молекуланинг, Car, бирлашиши, CM бирикмаси соҳасида катта узунлик ва ютилиш полосаси қўшимча кенгайган узун молекулани ҳосил қилади (3-расм).



3-расм. Супрамолекуляр «Por-C60» бирикма структураси

Концентрацияси толуол эритмасида 10^{-5} – 10^{-3} М/л бўлган Car, Por ва C60 молекулаларининг ютилиш спектрлари ўрганилди (тадқиқотларга C60 эритмалари ЎЗР ФА ИПВАЛТИ КИХ У.Махманов томонидан тайёрлаб берилган). Эритмаларни тайёрлашда асосий эътибор улардаги биржинслиликни таъминлашга қаратилди. Кўрсатиб ўтилган



супрамолекуляр бирикмаларда қуёш нури ФАРининг ажралган зарядлар энергиясига ўзгартирилиши самарадорлигини сон жиҳатидан характерлаш учун фотосинтетик тадқиқотларда қабул қилингани каби қуёш нури шу соҳасининг ажралган зарядлар энергиясига ўзгартирилишининг квант ва энергетик самарадорлиги баҳоланган. Бунда ўзгартирилишнинг квант самарадорлиги, қуёш энергиясининг умумий қийматидан CM бирикмалар томонидан ютиладиган ва зарядлар ажралишини келтириб чиқарадиган квантлар миқдори сифатида аниқланади ва бу вақтда энергетик самарадорлик ушбу параметрлар

билан бир қаторда ҳар бир фотон энергиясининг қанча қисми зарядлар ажралиш энергиясига ўзгартирилишига ҳам боғлиқ бўлади (фотонлар энергиясининг иссиқликка сарфланадиган қисмини ҳам ҳисобга олган ҳолда). Бироқ бу каби СМ бирикмаларни ФВ қурилмаларда донор-акцептор жуфтлик сифатида қўллаш ҳолида уларнинг якуний самарадорлигини баҳолашда, улар электродларига зарядлар ташувчиларнинг йиғиш самарадорлигини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Ёруғлик энергияси ўзлаштирилишининг квант самарадорлигини бутун СМ бирикмалар ёки уларни ташкил этувчи молекулалар оптик ютилиш спектрларидан асосий ютилиш полосасининг ФАР спектрига нисбатини ҳисоблаш орқали аниқланиши мумкин.

Электродларда ажралган зарядлар йиғиш самарадорлигининг юқори қийматларига эришиш, уларни паст даражада йўқотиш билан бир қаторда улар рекомбинациясининг узок вақтга эга бўлишини талаб қилади. СМ «Pog - C60» бирикмада зарядлар ажралиши, табиий фотосинтездаги каби жуда юқори $\sim 0,96$ квант самарадорлик ва зарядларнинг пикосекундли ажралиш ва рекомбинация вақти билан характерланади.


Ҳақиқий куёш нури энергияси ўзгартирувчи қурилмаларида ёруғлик энергиясини ажралган зарядлар энергиясига ўзгартириш самарадорлиги билан бир қаторда фотоиндуцирланган зарядлар оқимини самарали йиғиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳолда ажралган зарядлар йўқотилишини камайтириш учун ажралган зарядлар яшаш вақтини узайтириш орқали муқобил жараёнларни бостириш муҳим аҳамиятга эга. ZnO юпка плёнкалари электронларни (C60 дан) иккиламчи қабул қилиш мумкинлиги билан бир қаторда ва зарядлар рекомбинация вақтини узайтириш хусусиятига эга бўлиб, ФВ қурилмалар электроди сифатида ушбу электронларни самарали йиғиши мумкин. Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда биз томонимиздан ZnO ни наноструктурали рельефли юзага эга юпка плёнка сифатида қўллаш таклиф этилган. 4 – (а) расмда бу каби юзанинг атом кучли микроскоп ёрдамида олинган тасвири кўрсатилган. Юзада ~ 100 нм характерли ўлчамга эга пирамида кўринишли нотекис шаклларни кўриш мумкин. Муҳими шундаки, плёнкаларни ётқизиш технологик режимга боғлиқ ҳолда ўлчамлар ва бир жинслилик характери умуман турлича бўлиши мумкин. 4 – (б) расмда ушбу плёнка юзасидаги рельеф чуқурлигининг кўндаланг координата бўйича боғлиқлиги келтирилган.



4-расм. (а) ZnO плёнка юзасининг атом кучли микроскопда олинган тасвири;
(б) ZnO плёнка юзасидаги рельеф чуқурлигининг кўндаланг координата бўйича боғлиқлиги

Рельеф графиги характеридан кўриниб турибдики, наноструктурали юза ҳақиқий майдони, идеал текис юза майдонини кўп мартаба оширади. 5 – расмда паст концентрацияли ($2,4 \cdot 10^{-5}$ М/л) толуолдаги порфирин ва С60 эритмаларининг ютилиш спектрлари кўрсатилган. Порфирин ютилиш спектрлари қисқа тўлқин узунликли спектрал соҳасида 420 нм максимум ва 50 нм кенгликка эга интенсив Core полосаларидан ва яна 500 – 650 нм соҳадаги бир нечта алоҳида бир мунча кучсиз (Q_x - ва Q_y) полосалардан ташкил топган. Худди шу концентрациядаги С60 ютилиш спектри 370–420 нм соҳадаги бир мунча паст интенсивликли қисқа тўлқин узунликли ва 440 – 630 нм соҳани ёпадиган интенсивлиги пастлигича қоладиган кенг полосага эга.

Порфириннинг қаралаётган концентрацияларида Core полосаларидаги маълум экстинкция коэффиценти қийматидан $4 \cdot 10^5$ см⁻¹/М аниқлаш мумкинки, эритманинг амалий жиҳатдан муҳим бўлган 1 мм дан кўп бўлмаган қалинлигида порфирин томонидан ёруғликни сезиларли ютиш фақат қисқа тўлқин узунлик полосасида содир бўлади. С60 учун эса қисқа тўлқин узунлик ютилиш полосаси экстинкция коэффиценти $0,54 \cdot 10^5$ см⁻¹/М қийматни ташкил қилади, яъни $2,4 \cdot 10^{-5}$ М/л концентрацияларда ва фақат унинг бу полосаси сезиларли ютилиш келтириб чиқаради. Шундай қилиб, «Por-C60» СМ бирикмасининг ҳақиқий ютилиш полосаси 370 – 445 нм соҳадан ташкил топади. Адабиётлардан олинган «Por-C60» бирикмасининг ютилиш спектри (5 – расм, 3 график) унинг икки ташкил этувчилари спектрларининг йиғиндисига тенг. Ушбу ҳолат СМ бирикма ҳосил бўлганида порфирин ва С60 электрон хоссалари сезиларли ўзгаришларга учрамаслигини кўрсатади. Шунинг учун бу каби донор-акцепторли жуфтликдаги зарядлар ташилиши спектроскопик характеристикаларини уларнинг алоҳида молекулаларидан иборат эритмалар спектри ёрдамида ҳам ўрганиш мумкин. Соддалаштирилган тарзда қараганда 350 – 750 нм соҳадаги ФАР ёруғлик энергиясинининг тенг спектрал тақсимотидан (5 – расм, 4 график) Por ва С60 паст концентрацияли эритмалари томонидан ютиладиган қисмини қуйидаги муносабат орқали аниқлаш мумкин: $(445 \text{ нм} - 365 \text{ нм}) / (750 \text{ нм} - 350 \text{ нм}) = 0,20$. Яъни қуёш ФАРининг 20% квант оқими ютилади ва зарядлар ажралишини келтириб чиқаради. Лекин, ушбу оқим фотонларининг ҳамма энергияси ҳам ажралган зарядлар энергиясига айланмайди: спектрнинг кўрсатилган соҳасидаги ютилиш натижасида юзага келадиган ёруғлик уйғонишлари, деярли бир зумда спектрнинг узун тўлқин узунлик соҳасида, порфириннинг тўлқин узунлиги 650 нм бўлган Q_y ютилиш полосасига мос келувчи энг қуйи уйғонган соҳагача релаксация бўлади ва С60 молекуласига электрон узатиш содир бўлади, шундай қилиб ютилган фотонлар бутун энергиясидан (3 эВ гача) бир қисми, 1,9 эВ зарядлар ажралишига сарф қилинади ва қолган қисми эса, (1,1 эВ гача) иссиқликка айланади. Унда, қуёш ФАри ўзгартирилиши энергетик самарадорлиги $0,20 \times 1,9 \text{ эВ} / 3,0 \text{ эВ} = 0,13$ ни ташкил этади, яъни бу каби нурланишнинг 13% энергияси зарядлар ажралиш энергиясига ўзгартирилади. Por ва С60 концентрацисининг ошиши билан ютилиш интенсивлигининг ортиши ва уларнинг узун тўлқин узунлик соҳасида С60 молекулаларининг кластер ҳосил қилиши натижасида С60 ютилиш спектрининг «қизилга силжиши» кузатилади.



5-расм. Por (1), C60 (2), CM «Por-C60» бирикма (3) ларининг толуолдаги ютилиш спектри ва ер юзига тушадиган куёш нури ФАР спектри (4)

Порфирин ва асосан C60 ютилиш спектрал соҳасининг ортиши куёш нури ФАРи ўзгартирилиши самарадорлигининг ошишига олиб келади. $7,6 \cdot 10^{-4}$ М/л концентрацияли CM «Por-C60» бирикмасида куёш нури ФАРи ютилиш спектрининг бу каби кенгайишини ҳисобга олган ҳолда олиб борилган ҳисоб китоблар шуни кўрсатдики, бунда ўзгартиришнинг квант самарадорлиги 60%ни, энергетик самарадорлиги эса 44%ни ташкил этади.

Триад «Car-Por-C60» CM бирикмасида умумий ютилиш спектри янада кенгайди. Триаднинг эритмадаги $2,4 \cdot 10^{-5}$ М/л концентрациясида ўзгартириш квант самарадорлиги 33%ни, энергетик самарадорлик эса 23%ни ташкил этади ва бир вақтнинг ўзида юқори $7,6 \cdot 10^{-4}$ М/л концентрацияда квант ва энергетик самарадорликларнинг мос равишда 80% ва 60% гача ошиши кузатилади.


Шундай қилиш, қаралаётган CM бирикмаларда куёш нури ФАРини ажралган зарядлар энергиясига ўзгартириш самарадорлигини, натижасида умумий ютилиш спектри кенгайишига олиб келадиган ташкил этувчи материаллар ютилиш спектрал кенглигини кенгайтириш ва улар концентрациясини кўтариш йўли билан ошириш мумкин.

